

ЎАНГИ ЎИЛ СОВҒАЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИЛДИ



Қумқўрғон туманида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига 800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қумқўрғон тумани ҳокими Р.Гаппаров 1-сектор ҳудудидаги маҳаллаларга бориб, янги йил байрами муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга "Президент совғаси" сифатида пул маблағларини топширди ҳамда

Давлат раҳбарининг табригини ўқиб эшиттирди.

Маълумот учун айтиш жоиз, 1-секторда

196 та хонадонларга 156 миллион 800 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Туманда жами 690 та оилаларга 552 миллион сўм пул маблағлари топширилди.